



MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC
SOLUTIONS

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ПЕДАГОГ
ХОДИМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ МУТАХАССИСЛИК
ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

З.М.Уразова

*П.ф.н., ЯНГИ АСР УНИВЕРИСТЕТИ МАКТАБ ВА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
КАФЕДРАСИ доценти*

Д.А.Каримжонова

*ЯНГИ АСР УНИВЕРИСТЕТИ МАКТАБ ВА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
КАФЕДРАСИ МАГИСТИРИ*

Аннотация: Мақолада мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларини тайёрлаш механизмларини мутахассислик фанларини ўқитиш асосида такомиллаштириш масаласи таҳлил этилган.

Аннотация: В статье проанализировано вопросы совершенствования механизмы подготовки педагогических сотрудников организации дошкольного образования на основах обучения предметов специализации.

Калит сўзлар: таълим, мактабгача, ташкилот, педагог, ходим, механизм, ўқитиш, билим, кўникма.

Ключевые слова: образование, дошкольный, организация, педагог, сотрудник, механизм, обучение, знание, умение.

“Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси” асосида мактабгача таълим ташкилотлари педагогларини тайёрлаш механизмларини янада такомиллаштириш тақозо этилади. Бунинг учун бизнинг ёндошувимизга кўра, олий педагогик таълим жараёнида ўқитилаётган мутахассислик фанларини чуқирлаштирилган ҳолда ўқитиш механизми муҳим аҳамиятга эга.

Мутахассислик фанлари мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларини тайёрлашнинг энг муҳим асоси ҳисобланади. Мазкур фанлар бугунги кунда олий педагогик таълим жараёнида қуйидаги туркумларга эга:

- 1) мажбурий фанлар;
- 2) танлов фанлари;
- 3) олий таълим муассасаси томонидан мустақил таклиф этиладиган қўшимча фанлар.

Ушбу мутахассислик туркум фанлари мактабгача таълим ташкилотларининг педагог ходимларини тайёрлашда касбий-назарий билим, касбий-амалий кўникма ва фаолият юритиш асослари билан куроллантиради. Шу сабабли мамлакатимиз ва хорижий олий педагогик таълим муассасаларида мутахассислик фанларини чуқурлаштирилган тарзда ўқитиш билан бўлажак педагог ходимларни касбий тайёрлашда самарадорлигига эришишга асосий эътибор бериб келинмоқда. Айни





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

пайтда, бугунги кунда бўлажак педагог ходимларни тайёрлашда мутахассислик фанларини ўқитишнинг янгича ёндашувлари ва шакллари асосланиш долзарб бўлиб турибди. Шу жиҳатдан мутахассислик фанлари туркумини ташкил этувчи мажбурий, танлов ва қўшимча фанларни ўқитишда ўзига хос янгича шаклларга асосланиш мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларини тайёрлаш механизмларини такомиллаштиришда муҳим амалий аҳамиятга эга.

Мазкур масалада бизнинг ёндашувимизга кўра, қуйидагиларга амал қилиш билан мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларини тайёрлаш механизмини мутахассислик фанларини ўқитиш асосида такомиллаштиришда кенг имкониятларга эга бўлинади:

а) мажбурий фанларнинг мавзуларини оптималлаштириш ва уларнинг ўқув материалларини янги маълумотлар асосида такомиллаштириб бориш;

б) танлов фанлари мавзуларининг мажбурий фанлар мавзуларининг мантикий давоми сифатида тузиш ва уларнинг ўқув материалларини ҳам ана шу тамойил асосида ишлаб чиқиш;


в) қўшимча фанларни ташкил этиш ва уларнинг машғулотларини ўтказишда мажбурий ва танлов фанлари бўйича бериладиган билим ҳамда кўникмаларни амалий жиҳатдан чуқурлаштириш тамойилига асосланиш;

г) мажбурий, танлов ва қўшимча фанлар машғулотларини 4+2 тизими асосида, яъни ҳафтанинг тўрт кунда аудитория машғулотлари ва қолган икки кунда мактабгача таълим ташкилотида педагог амалиёт ўтиш шаклида ташкил этиш.

Эътибор берилса, бундай ёндашув мактабгача таълим ташкилотлари бўлажак педагогик ходимларини тайёрлаш механизмини мутахассислик фанларини мақсадли ўқитиш асосида такомиллаштириш имконини беради.

Мамлакатимиз мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларини тайёрлашда ўқитиладиган муҳим мутахассислик фанлари таркибига асосланади. Бунда мутахассислик фанлари назарий, методологик ва дидактик билимларни билиш ғоясига асосланишни таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу ҳол мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларини касбий тайёрлашда устувор йўналиш бўлиб келаётганлиги маълум. Шу сабабли бу ўринда мутахассислик фанларини ўқитиш асосида олий педагогик таълим жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари бўлажак педагог ходимларини тайёрлаш механизмларини такомиллаштириш масаласи таҳлилига эътиборингизни тортамыз.

1. Мажбурий ўқув фанларини ўқитиш воситасида такомиллаштириш. Олий педагогик таълим муассасаларининг Мактабгача таълим йўналиши мажбурий (мутахассислик) ўқув фанлари дастурларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, уларда бўлажак мактабгача таълим педагог ходимларига касбий- назарий билим бериш, уларнинг касбий кўникма ва касбий - амалий фаёолиятини шакллантиришга устувор даражада аҳамият берилган. Мисол учун, “Мактабгача





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

таълим педагогикаси” ўқув фани дастурида талабаларнинг мактабгача таълим назарияси, дидактикаси ва методологияси бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришга асосий эътибор қаратилган. Шу жиҳатдан олий педагог таълим жараёнида мактабгача таълим йўналиши мажбурий ўқув фанларининг дастурларини Тараққиёт стратегияси асосидан янада такомиллаштириш билан бўлажак мактабгача таълим педагог ходимларини тайёрлаш механизмини такомиллаштиришнинг мақбул шаклларида бирига эга бўлиш мумкин. Бунда мактабгача таълим йўналишида ўқитилаётган қуйидаги ўқув фанлари дастурларини Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар асосида такомиллаштириш ва улар асосида мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларини тайёрлаш механизмларини такомиллаштиришга эришиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- 1) “Умумий педагогика”;
- 2) “Мактабгача таълим педагогикаси”;
- 3) “Педагогика назарияси ва тарихи”;
- 4) “Педагогик маҳорат”;
- 5) “Тарбиявий ишлар методикаси”.

Бу мажбурий ўқув фанлари мазмунини Тараққиёт стратегияси асосида такомиллаштириш бизнингча, қуйидаги тамойилларига асосланиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- ушбу мажбурий ўқув фанлари мазмунларини мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларини тайёрлашда уларнинг касбий билим, кўникма ва амалий фаъолият малакаларини ўзаро уйғунликлари шакллантириш тамойили;
- бу мажбурий ўқув фанлари машғулотларини ўзаро боғлиқлик ва мантикий изчиллик асосида ташкил этиш ҳамда ўтказиш тамойили;
- мазкур мажбурий ўқув фанларининг ўқув материалларини ўзаро тўлдурувчанлик асосида ишлаб чиқиш тамойили;
- ана шу мажбурий ўқув фанлари мазмунини бир – бирини тақозо этиш тарзида шакллантириш.

Эътибор берилса,бу тамойиллар асосида Тараққиёт стратегияси ғояларига биноан мактабгача таълим ташкилотлари бўлажак педагог ходимларини тайёрлаш механизмини такомиллаштиришнинг мажбурий ўқув фанларини ўқитиш шаклига эга бўлиш мумкин. Мисол учун, “Умумий педагогика” фанида мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларини тайёрлашда уларнинг умумназарий билимлари ва умумметодологик кўникмаларини шакллантириш, “Мактабгача таълим педагогикаси” фанида мазкур тоифа бўлажак мутахассисларининг касбий кампитентацияларини таркиб топтириш, “Педагогика назарияси ва тарихи” фанида бу тоифа мутахассисларини мактабгача таълим назарияси ва тарихи билан қуроллантириш, “Педагогик маҳорат” фанида мазкур тоифа мутахассисларини мактабгача таълим ва тарбия методлари билан таништириш ҳамда “Тарбиявий





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

ишлар методикаси” фанида эса мактабгача таълим ташкилотларида амалга ошириладигон тарбиявий ишлар методологияси билан ана шу тоифа мутахассисларини қуроллантиришни назарда тутиш кутилган самарани беради. Шу сабабли олий педагогик таълим жараёнида мажбурий ўқув фанларини ўқитиш мазмунини ана шундай ёндашувлар асосида такомиллаштириш билан мактабгача таълим ташкилотлари бўлажак педагог ходимларини тайёрлаш механизмининг такомиллаштиришнинг муҳим имкониятларига эга бўлинади. Бу масалалар Тараққиёт стратегиясида белгиланган сифатли таълимга эришиш вазифалари доирасида амалга оширилишини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Мазкур масалалар бўйича, қуйидагилари амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

1) мажбурий ўқув фанлари дастурларини Тараққиёт стратегиясида белгиланганидек, замонавий ва янги билимлар мажмуи бўлган билимларни бериш билан бойитиш;


2) такомиллаштирилган дастурлар асосида мактабгача таълим бўлажак педагог ходимларини тайёрлаш ва унда таълимнинг 3- курсдаёқ талабаларнинг касбий билим, касбий кўникма ҳамда касбий малакасини тўлиқ шакллантиришга эришиш;

3) мажбурий ўқув фанлари дастурларида PISA.STEAM каби халқаро таълим дастурларининг қоидаларини акс эттириш билан профессионал мактабгача таълим педагог ходимларини тайёрлаш.

Бундай ёндашув олий педагогик таълим жараёнида мактабгача таълим педагог ходимларини тайёрлаш механизмларини мажбурий ўқув фанлари имкониятлари асосида такомиллаштиришнинг муҳим таянчларига эга бўлишга олиб келади. Чунки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 июндаги “Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорида ўқув фанларини миллий ва хорижий педагогик тажрибалар асосида чуқурлаштириб ўқитиш ҳамда бу билан педагог ходимларни тайёрлашда сифатга эришиш алоҳида таъкидланган.

Мажбурий ўқув фанларини чуқурлаштирилган тарзда ўқитиш воситасида мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларини тайёрлаш иши бўйича миллий ва хорижий педагогик тадқиқотларда муайян қарашлар билдириб ўтилганлигини эслатиб ўтиш жоиз. Мисол учун, бу борада мактабгача таълим назарияси ва методикасига муносиб ҳисса қўшган француз олимаси Мария Монтессоррининг (1870-1952) қарашлари эътиборни тортади. Унинг “Болалар уйи тарбияланувчиларига қўлланиладиган илмий педагогика методлари” асарида мактабгача таълим ва тарбия билан шуғулланувчи педагог ходимларни тайёрлашда қуйидаги икки муҳим масалага асосланиш таҳлил қилиб берилган:

1) Педагогларни тажбираларга тайёрлаш: “Педагогларни тажриба ўтказиш руҳида тарбиялаш-осон иш эмас. Айни пайтга, болалар уйлари тарбиячилари





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

таълим ва тарбия жараёнида ҳар қандай тажрибани амалга оширишга ўргатилишива унинг воситасида самарага эришиш кўникмаси асосида тайёрланиши керак”;

2) Барча фанлар асосларини ўқитиш: “Болалар тарбияси билан шуғулланадигон педагоглар барча фанлар асослари бўйича билимга эга бўлишлари шарт”.

Мария Монтесорри мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларини “тажрибаларга тайёрлаш” деганда уларнинг ўз фаолияти давомида дуч келадиган мактабгача таълим ва тарбия муаммоларини ҳал этиб бориш мустақил кўникмасига эга бўлишни назарда тутди. Шуниндек, у “барча фанлар асослари” деганда мактабгача таълим ва тарбияни амалга оширишда таялинадиган Педагогика, Физиология, Биология каби фанларни кенг кўламда ўқитишни ҳисобга олади. Чунки ўтган асрнинг бошларида бу фанлар таълим ва тарбия жараёнининг асоси сифатида қабул қилинган бўлиб, унга кўра, Педагогика таълим-тарбия асослари, Физиология таълим-тарбия олувчиларнинг жисмоний хусусиятлари ва Биология эса таълим-тарбия олувчиларнинг табиий ривожланиши тўғрисида назарий билим ҳамда амалий кўникма бериши маълум. Шу сабабли олима бўлажак мактабгача таълим педагогларининг мазкур фанларни чуқур ўзлаштиришини тавсия этади.

Монтесоррининг ёндашувлари бутун дунё мамлакатлари мактабгача таълим тизимида қабул қилинганлигини эслатган ҳолда таъкидлаш лозимки,бу ўринда у мактабгача таълим педагог ходимларини тайёрлашда касбий-назарий билим ва амалий кўникмани уйғун эгаллаш тарафдори эканлигини билдиради. Унинг фикрича, касбий-назарий билим педагог ходимларни тарбияланувчининг жисмоний,ақлий ва рухий хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар билан қуроллантиради, амалий кўникмалар эса мазкур тоифа мутахассисларини тарбияланувчилар билан мақсадли ишлаш методлари билан қуроллантиради. Шу сабабли у мактабгача таълим педагог ходимларини қуйидаги методларга кўниктириш кераклигини ўқтиради:

- 1) кузатиш методи;
- 2) эркинлик методи.

Монтесоррининг ёндашувига кўра, кузатиш методи воситасида мактабгача таълим педагог ходимларининг тарбияланувчилар тўғрисидаги маълумотларини ва касбий тажрибасини ривожлантиради. Эркинлик методи эса мазкур тоифа мутахассисларини таълим бериш, тарбиялаш ҳамда йуналтириш усулларини эркин танлаш воситасида тарбияланувчилар билан ишлаш фаоллигини кучайтиради. Шу сабабли мактабгача таълим педагог ходимлари кузатиш ва эркинлик методлари асосида ўзига хос касбий фаолият олиб боради. Умуман Монтесоррининг фикрича,” Тарбиячи жуда чуқур ҳиссиётли, идрок этиш лаёқати ва ҳар бир бола билан ишлаш қобилияларига эга бўлиши керак”. Чунки педагог ходим ҳиссиёт ва идрок воситасида тарбияланувчини тез тушунади, ўз қобилияти асосан улар билан ишлашни амалга оширади. Айни пайтга, педагог олима мактабгача таълим педагог






MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

ходимларининг тарбияланувчиларни гимнастика, тарбия ва хатти-ҳаракатлар воситасида жисмоний ҳамда ижтимоий ривожлантириши шарт эканлигини белгилаб кўрсатади. Бу борада унинг ғояси шундай:” Бола-вужуди ўсаётган ва калби ривожлаётган организмдир, шу сабабли биз тарбия жараёнида физиология ва психология қонуниятлари асосида иш кўришимиз керак”. Бунга педагогик қонуниятларга асослашнишни ҳам қўшиш мақсадли ҳисобланади. Шу маънода Монтесорри бўлажак мактабгача таълим педагог ходимларининг Педагогика, Психология, Физиология ва Биология фанларини чуқур ўзлаштиришини тавсия этади.

Мазкур келтирилган мисолдан маълум бўладики, мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларини тайёрлаш механизмларини такомиллаштиришда мажбурий ўқув фанларини чуқурлаштирилган тарзда ўқитиш воситасига асосланиш хорижий мактабгача таълим тажрибасидан ўтган. Унда бўлажак ушбу тоифа мутахассисларга касбий-назарий билим бериш, уларнинг амалий фаолият кўникмасини шакллантириш ва уларни энг мақбул методикалар билан қуроллантириш муҳим ҳисобланади, бу жараёнда эса мактабгача таълим асослари бўйича белгиланган ўқув фанларига асосланади. Демак, олий педагогика таълим жараёнида мажбурий ўқув фанларини Физиология, Биология ва Психология фанларининг энг сўнги ютуқлари билан бойитган ҳолда ўқитиш бўлажак мактабгача таълим педагог ходимларини тайёрлаш механизмларини такомиллаштиришнинг муҳим асосларидан биридир. Шу сабабли биз мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларини тайёрлаш механизмларини такомиллаштиришда мажбурий (мутахассислик) ўқув фанларини чуқурлаштирилган тарзда ўқитиш муҳим шакллардан бири деб ҳисоблимиз.

Кўшимча машғулотлар воситасида такомиллаштириш. Олий педагогик таълим жараёнида Мактабгача таълим йуналиши ўқув фанлари бўйича кўшимча машғулотлар ташкил этиб, унинг воситасида мактабгача таълим педагогларини тайёрлаш механизмларини такомиллаштириш кенг имкониятларни беради. Бундай машғулотларни кенг қўламли ташкил этиш ва уларни имкониятидан оқилона фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 июндаги “Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорида алоҳида таъкидланганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Кўшимча машғулот – бу ўқув фанлари профессор-ўқитувчилари томонидан талабаларнинг бўш вақтларини ҳисобга олиб, ташкил этиладигон қўшимча таълим ва тарбия жараёнидир. Бизнинг ёндашувимизга кўра, олий педагогик таълим жараёнида мажбурий (мутахассислик) фанлари бўйича кўшимча машғулотларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлиб, унда қуйидагиларга эътибор бериш кутилган самарали беради:





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

1) Тараққиёт стратегиясида белгиланганидир, қўшимча машғулотлар дастурларини сифатли таълим талаблари асосида ишлаб чиқиш;

2) ишлаб чиқилган қўшимча машғулотлар дастурлари асосида талабаларга педагогик ўқув фанларининг муайян мавзуларини чуқурлаштирилган тарзда ўқитиш;

3) қўшимча машғулотлар дастурлари асосида бўлажак мактабгача таълим педагог ходимларининг компетенцияларини (билими, кўникмаси ва малакаларини) тезкор ва сифатли равишда шакллантириш.

Эътибор берилса, қўшимча машғулотлар кенг имкониятларга эга. Энг асосийси бундай машғулотларнинг асосий мақсади ва вазифаси талабаларнинг касбий кўникмаларини амалий шакллантириш ҳамда лаёқатини кутилан даражада ривожлантиришдан иборат.

Тараққиёт стратегияси асосида қўшимча машғулотлар дастурларини ишлаб чиқиш ва унинг воситасида мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларини тайёрлаш механизмларини такомиллаштириш кутилган самарани беради. Бундай қўшимча машғулотлар дастури мисол учун, “Маҳоратли педагог ходим” номида ташкил этилиб, у асосида машғулотлар талабаларнинг вақтларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Қўшимча машғулотлар воситасида бўлажак мутахассисларнинг касбий-назарий билим ва амалий кўникмаларини шакллантириш механизмлари бўйича хорижий мамлакатларнинг ўзига хос тажрибалари мавжудлигини таъкидлаш лозим. Мисол учун, Финландия Республикаси олий мактабгача таълим йўналишида мутахассислик ўқув фанларининг 60 фоизини қўшимча машғулотлари ташкил этади. Унда талабаларнинг мустақил топшириқларни бажариши ва ташкил этилган қўшимча машғулотларда иштирок этишига асосий эътибор қаратилади, бу икки восита асосида уларнинг касбий-назарий билим ва амалий кўникмалари чуқурлаштирилади. Шу жиҳатдан мазкур мамлакатда мисолда қўшимча машғулотларнинг бундай амалий имкониятларидан мутахассисларни тайёрлашда устувор даражада фойдаланиш тажрибаси таркиб топганлигини эслатиб ўтиш жоиз.

Зеро, қўшимча машғулотлар воситасида бўлажак мактабгача таълим ташкилотлари педагогик ходимларини тайёрлаш механизмларини такомиллаштириш муҳим шакллардан биридир.

Махсус курслар воситасида такомиллаштириш. Олий педагогик таълим жараёнида мактабгача таълим бўлажак педагог ходимларини тайёрлаш механизмларини такомиллаштирувчи муҳим воситаларидан бири махсус курслардир. Махсус курслар мажбурий ўқув фанлари доирасида олий таълим муассасаси Илмий кенгаши билан келишилган ҳолда ташкил этилиб, улар воситасида бўлажак мутахассисларга чуқурлаштирилган касбий билим, тарбиявий кўникма ва фаолият малакаси берилади. Унга биноан, олий педагогик таълим





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

жараёнида бўлажак мактабгача таълим муассасалари педагог ходимларини тайёрлаш механизмларини такомиллаштиришнинг муҳим шаклига эга бўлиш имкониятлари мавжуд. Чунки махсус курслар бўлажак педагог ходимларни тайёрлаш механизмларини такомиллаштиришнинг энг муҳим воситаларидан бири бўлиб, улар воситасида қўшимча назарий билимлар, кўникмалар ва малакалар бериш амалга оширилади. Бугунги кунда мамлакатимиз олий педагогик таълим жараёнида мутахассислик фанлари ўқитишнинг кредит-модулли тизими талабларига асосан мажбурий ва танлов фанлари туркумларига бўлиб ўқитилаётганлиги маълум. Шу жиҳатдан бизнинг ёндашувимизга кўра, бўлажак мактабгача таълим муассасалари педагог ходимларини тайёрлаш механизмларини такомиллаштиришда махсус курсларни қуйидагича ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- а) мутахассислик (мажбурий) фанлари бўйича махсус курслар;
- б) танлов фанлари бўйича махсус курслар;
- г) профессор-ўқитувчиларнинг индивидуал махсус курслари.

Бундай ёндашув махсус курсларни ташкилий жиҳатдан кутилган даражада йўлга қўйиш имконини беради. Айни пайтда, бизнингча, мазкур махсус курсларнинг тепик шакли сифатида “Профессионал педагог ходим” махсус курсини ташкил этиш кутилган самарани беради. Бу махсус курсда қуйидагича машғулотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- 1) мажбурий фанлар воситасида:
 - чуқурлаштирилган касбий билим бериш;
- 2) танлов фанлари воситасида:
 - касбий кўникмани чуқурлаштирилган тарзда таркиб топтириш;
- 3) профессор-ўқитувчиларнинг индивидуал махсус курси воситасида:
 - касбий малакани кутилган даражада шакллантириш.

“Профессионал педагог ходим” махсус курси мактабгача таълим йўналиши педагогик жамоасининг қарори билан ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай махсус курс тегишли танлов фанлари профессор-ўқитувчилари томонидан қуйидаги тартибларга асосан юритилиши тақоза этилади:

- махсус курс машғулотларининг талабалар бўш вақтлари ва улар учун қулай бўлган муддатларда ўтказилиши;
- машғулотларда касбий билим, кўникма ва малаканинг уйғун берилиши;
- машғулотларнинг замонавий педагогик технологияларни қўллаган ҳолда амалга оширилиши;
- машғулотлар жараёнида талабаларнинг касбий билим, кўникма ва малакасининг ривожланиб бориш жараёни бирламчи билиниши.

Бундай ёндашув ушбу махсус курс воситасида бўлажак мактабгача таълим муассасалари педагог ходимларини тайёрлашда уларнинг профессионал компетентлигини кутилган даражада таркиб топтириш имконини беради. Шу





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

сабабли мазкур махсус курс машғулотлари олий педагогик таълим муассасасининг танлов фанлари бўйича профессионал профессор-ўқитувчилари ва мутахассислари томонидан олиб борилиши кутилган самарани беради.

Шундай қилиб мактабгача таълим ташкилотлари бўлажак педагог ходимларини тайёрлаш механизмларини олий педагогик таълим жараёнида мажбурий ўқув фанларини чуқурлаштирилган тарзда ўқитиш, мазкур фанлар ва танлов фанлари доирасида қўшимча машғулотлар ҳамда махсус курслар асосида такомиллаштириш илмий, назарий ва методик жиҳатдан асосларга эга бўлган шакллардан биридир. Шу сабабли мазкур имкониятларидан оқилона фойдаланиш тақозо этилади.

Адабиётлар:

1. Педагогикаси Слустер – Журнал оф Педагогикал Девелопментс ПСЖПД: Волуме 2, Иссеу 1, Новембер 2023, онлайне: ИССН 2956 - 896X Вебсайте: <https://euroasianjournals.org/index.php/pc/index>.

3. Монтесорри М, Метод научной педагогике. // История дошкольной зарубежной педагогике. Хрестоматия. - Москва, 1974. - с. 377-378

4. Ўзбек педагогика қомуси. 2-жилд. - Т.: "Шарқ". 2015

5. Бардовская Н; Реан А. Педагогика. - Санкт-Петербург, 2001

6. Педагогик инциклопедик лугат. 1-том. - Т.: "Шарқ". 2015

7. Абдуллина О.А. Общепедагогическая подготовка учителя в системе высшего педагогического образования. – М.: Просвещение, 1990. – 141 с.

8. Абдурахманова М.А. Применение инновационного опыта в педагогической деятельности (теоретико-сравнительный анализ) // Проблемы современного образования. – Москва, 2017. – № 2. – С. 104-109. Электронный ресурс: <http://www.pmedu.ru>.

9. Каримжанов А. "Педагогик тизимни бошқариш асослари" Тошкент Зебо-принт. 2008. 167 б.

10. Каримжанов А. "Таълим тизимини бошқариш асослари" Тошкент. Зебо-принт. 2012 170 б.

11. Каримжанов А., Жабборова О.М. ва бош. "Педагогик тизимини бошқаришнинг меъёрий асослари." Тошкент. "City of look" 2019/ 221 ,/

12. Каримжанов А., Очилов Ф.И., Каримжанова Д.А. "Бошланғич синфларда таълим тарбия муаммолари". Тошкент. "City of look" 2019 140 .

